



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 4-may • Seshanba • 52 (31.172) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOVNING OSIЁ TARAQIYET BANKI BOŞQARUVCHILAR KENGAŞI 43-YILLIK MAJLISINING OCHILISH MAROSIMIDAGI HUTQI

Мухтарам президент Курода!
Мухтарам бошқарувчилар!
Хурматли хорижий давлатлар вакиллари ва меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Авваламбор, Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси иштирокчиларини, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари ва Тошкентта ташриф буюрган барча меҳмонларни чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари орасида биринчи бўлиб ушбу муҳим воқеани ўтказишга Ўзбекистон пойтахти танлангани биз учун катта шараф ва мазкур қарорни қабул қилган Осиё тараққиёт банкига аъзо мамлакатлар ҳукуматларига самимий миннатдорлик изҳор этамиз.

Мен ўз нутқимда бугунги анжуманда муҳокама этилаётган мавзуга бевосита тааллуқли бўлган айрим масалалар ҳусусида қисқача тўхталмоқчиман.

Ўтган 2009 йил жаҳон иқтисодиёти учун ҳақиқатан ҳам оғир синов йили бўлди, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари деярли ҳеч бир мамлакатни четлаб ўтмади.

Нуфузли халқаро таҳлилчи ва экспертларнинг фикрига кўра, инқирознинг энг оғир ва кескин босқичи ортада қолганига қарамай, ҳали иқтисодиётни тиклаш бўйича ўта мураккаб, машаққатли ва узок муддатли жараён олдинда турибди.

Жаҳон иқтисодиётининг инқироздан чиқиши йўлида пайдо бўлаётган муаммоларни таҳлил қилганда, биринчи навбатда, ўсиш суръатларининг беқарор ва паст даражада экани, ишсизликнинг юқори даражада сақланиб қолаётгани, иқтисодиёт реал сектори молиявий аҳолининг сезиларли равишда ёмонлашаётгани ва аҳоли реал даромадларининг пасайиши ҳақида гапиришга тўғри келади.

Баъзи мамлакатларда давлат бюджети тақчиллиги, жумладан, давлат қарзи ҳажми ошиб бораётгани хавфли миқёсда кўбаймоқда. Бу эса ушбу қарзларни тўлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқариши ва ҳаттоки, дефолт ҳолатларига олиб келиши мумкин.

Ички талабнинг паст даражадалиги, айрим ҳолларда эса унинг ка-

майиши қузатилмоқда. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ва изчил ўсишини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Бизнингча, дунёдаги кўплаб етакчи экспертларнинг банк-молия секторидagi ортиқча ликвидлик ва банк-молия секторини бундан кейин ҳам пул ресурслари билан тўлдириш спекулятив капиталнинг авж олиши, фонд ва хомашё бозорларида сунъий «пуфак»ларнинг пайдо бўлиши учун шароит яратиши, бу эса келажда молия ҳамда валюта бозорларида янги ўпирилишлар билан боғлиқ салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларига қўшилиш мумкин.

Пул эмиссияси ва ҳажмининг ошиши инфляция жараёнларининг хавфли ҳолатларини келтириб чиқариши ҳақида гапириб ўтиришга ҳолат йўқ, деб ўйлайман.

Тақрор ва тақрор айтишга тўғри келади: кўплаб мамлакатларда, айниқса, ривожланган мамлакатларда протекционистик чора-тадбирларнинг кенг тус олаётгани, биринчи навбатда, ривожланаётган давлатлар ва умуман, жаҳон иқтисодиётини тиклаш ҳамда ривожлантириш борасида катта муаммолар туғдиришмоқда.

Банк ва молия соҳаларининг давлат томонидан тартибга солиниши, банк капиталини тизимли назорат қилишни таъминлаш механизмлари ва воситалари, шунингдек, бу борада халқаро молия институтларининг роли ҳақидаги масала экспертлар ҳамда расмий доираларнинг минтақавий ва глобал даражадаги асосий муҳокама мавзусига айланмоқда, десам, ўйлайманки, асло хато бўлмайди.

Бу мавзудаги баҳс-мунозараларда билдирилаётган айрим тақлифлар, хусусан, молия ва банк сектори фаолиятини глобал миқёсда назорат қила оладиган халқаро молия институтини шакллантириш тақлифи эътиборга моликдир. Мазкур институт зиммасига жаҳон бозоридида спекулятив банк фаолиятини, жумладан, халқаро савдонини ва халқаро молия бозорини умуман мувозанатдан чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни «қуруқ» қимматли қозғолар соҳасини назорат қилиш вазифасини юклаш тақлиф этилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)



ОТБнинг Тошкент анжумани: РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 3 май кунин Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг Осиё тараққиёт банки билан кенгайиб бораётган ҳамкорлик алоқаларини юксак қадрлаймиз, сўнгги йилларда ҳам кредит портфели ҳажми бўйича, ҳам Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик доирасида етакчи халқаро молия институтига айланган мазкур банк муҳим стратегик шерикларимиздандир, деб таъкидлади.

Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода ўз чиқишида Президент Ислам Каримов ва Ўзбекистон халқига ОТБнинг мазкур форуми — банк Бошқарувчилар кенгашининг Марказий Осиёда илк бор ўтказилаётган мажлисини ташкил этишда кўрсатган катта ёрдами учун миннатдорлик изҳор этди. ОТБнинг асосий вазифаси Осиё ва Тинч океани минтақасидаги мамлакатларга иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишда кўмаклашиш, иқтисодий ўсишни

жадаллаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон ресурсларини ривожлантириш, экологик муаммолар, жумладан, иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ёрдам беришдан иборатдир.

1966 йилда ташкил этилган Осиё тараққиёт банки бугунги кунда катта молиявий ва техник имкониятларга эга. 67 давлат, жумладан, Осиё — Тинч океани минтақасининг 48, Европанинг sanoati ривожланган катор мамлакатлари, шунингдек, Канада ва АҚШ мазкур банкнинг аъзолари ҳисобланади. Банк ривожланиш ва минтақавий ҳамкорликка оид лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда ушбу соҳаларда техник кўмак бериш билан бирга, аҳолининг миллий салоҳияти ва турмуш сифатини оширишга йўналтирилган, пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошираётган мамлакатларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

ОТБнинг Ўзбекистон билан узок муддатли ва самарали ҳамкорлиги

бунга ёрқин мисол бўла олади. Мамлакатимиз 1995 йилдан буюн ушбу йirik халқаро молия ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган, жаҳонда ривожланишининг «Ўзбек модели» деб кенг эътироф этилган ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш самарасида Ўзбекистонда макроиқтисодий мувозанат ва барқарор иқтисодий ўсиш таъминланмоқда.

Шу боис ушбу нуфузли халқаро молия ташкилотининг бундай муҳим форумини айнан Тошкентда ўтказишга қарор қилинди. Мамлакатимизнинг Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасидаги тажрибаси жаҳонда кенг ўрганилмоқда.

2009 йилда ялли ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани Ўзбекистонда ўз вақтида қабул қилинган инқирозга қарши комплекс чоралар самарадорлигининг амалий натижасидир.

Ўтган йилда миллий иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар умумий ҳажми қарийб 26 фоизга, жумладан, хорижий инвестиция-

Хужжатлар имзоланди

Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг мажлиси доирасида пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 1 май кунин Ўзбекистон Республикаси билан ОТБ ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ўртасида кредит битимлари имзоланди.

Умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ 7 хужжат мамлакатимизнинг муҳим соҳа ва тармоқларидаги бир неча лойиҳани, хусусан, Фарғона водийсининг қатор шаҳарларида сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш, минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва микрокредитлаш, тижорат банклари ривожлантириш мақсадидаги дастурида иштирок этиши, Таллимаржон ИЭСида иккита буғ-газ қурилмасини барпо этишга оид лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилган.

(ЎЗА)

лар 68 фоизга кўпайди. Бу эса, ўз навбатида, хорижий ишбилармон доираларнинг мамлакатимизга, бу ерда яратилган қулай инвестиция муҳитига ишончи ортиб бораётганини кўрсатади. Шу билан бирга, 2010 йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 баравар кўп ўзлаштирилди. Ўзбекистон молия сиёсатининг ўзига хос жиҳати шундаки, хорижий кредитлар, жумладан, ОТБнинг кредит линиялари бўйича маблағлар узок муддатли асосда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига киритилган стратегик инвестиция лойиҳаларини молиялаш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш йўлида жалб этилмоқда.

ОТБ мамлакатимиз билан кредит ҳамкорлиги бўйича халқаро молия институтлари орасида биринчи ўринда туради. Ушбу ҳамкорлик кўплаб йўналишларда амалга оширилмоқда. Жумладан, транспорт инфраструктурасини тақомиллаштириш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сув ресурсларини бошқариш, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда стратегик аҳамиятга эга қўшма лойиҳалар амалга оширилади.

3-бет >>>

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 май кунин Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси молия вазирини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирди.

— Биз давлатларимиз ўртасида қарор тоглан яқин дўстона муносабатларни юксак қадрлаймиз, — деди Ислам Каримов.

— Хитойнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузи ортиб бораётгани диққатга сазовордир.

Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг изчил ривожланишида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар алоҳида ўрин тутди. Мамлакатларимиз мутахассислари ва ишбилармон доиралари вакиллари мулоқотлари мунтазамлик касб этиб, самарадорлиги ошиб бормоқда. Ўзбекистон ва Хитой Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам фаол ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Савдо-иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида

1994 йилда қабул қилинган энг кўп қўлайлик яратиш тартиби амал қилади. Ўзбекистоннинг савдо шериклари орасида Хитой етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Хусусан, 2009 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Мамлакатимизда 223 Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Се Суйжэнь самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, иқтисодиётни ривожлантириш бўйича «Ўзбек модели» асосий тамойилларининг аҳамияти ва самарадорлигига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг муваффақияти билан амалга ошираётган инқирозга қарши чоралар дастури натижаларига юксак баҳо берди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Шу кунин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Япония Бош вазирининг ўринбосарини қабул қилди.

— Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошланган ва тобора мустаҳкамланиб бораётган Япония билан ўзаро ҳамкорлигимиз ривожидан мамнунмиз, — деди давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Япония муносабатлари 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида изчил ривожланмоқда. Япония мамлакатимизнинг кўп йиллик ва ишончли сармоявий шерикларидан биридир. Унинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган молиявий ресурслари ҳажми 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Иқтисодий соҳадаги алоқаларни ривожлантиришга иқтисодий ҳамкорлик бўйича икки томонлама кўмиталар салмоқли хисса қўшмоқда. Уларнинг қўшма мажлисларида иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланишнинг тегишли соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва кенгайтириш бўйича аниқ тақлифлар қўриб чиқилди.

Хозирги кунда мамлакатимизда Япония халқаро ҳамкорлик агентли-

ги (JICA) ва Япония ташқи савдо ташкилотининг (JETRO) ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Улар ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини қўллаб-қувватлашга, мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-гуманитар ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси доирасида 1 май кунин Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан JICA ўртасида қиймати 300 миллион АҚШ долларига тенг янги кредит битими имзолангани ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорлик изчил ривожланаётганидан яна бир далolatдир.

Оқсаройдаги учрашувда Наото Кан самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Республикасида муваффақият билан амалга оширилаётган инқирозга қарши чоралар дастурига, барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли модернизация ишларига юксак баҳо берди.

Сўбат чоғида ОТБнинг Тошкентда ўтаётган халқаро анжумани минтақавий ва халқаро аҳамият касб этадиган долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, сармоявий соҳада ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун яхши имконият экани қайд этилди.

(ЎЗА)



Омбудсман лавозимига НОМЗОД қўллаб-қувватланди



Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, мазкур институт ҳуқуқлари, мажбуриятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, ваколатлари белгилаб берилди. 2004 йилда мазкур Қонун янги тахрирда қабул қилинди.

Қонунчилигимизга асосан, Омбудсман Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади. Мамлакатимиз Конститу-

цияси ҳамда юқоридаги қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сайёра Рашидова номзоди Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) лавозимига тасвия этилмоқда.

Фракция аъзолари инсон ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлашда Омбудсманнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидладилар. Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти йилдан-йилга тақомиллашиб бормоқда. Фуқароларнинг унга ишончи ортаётгани тўшаётган мурожаатларнинг кўпайиб бораётганидан ҳам кўриниб турибди.

Шу билан бирга, депутатлар Омбудсманга ҳар жиҳатдан ёрдамлашиш, ҳамкорликни кучайтириш масалалари ҳақида фикр ва тақлифларини билдирдилар.

Асли КАМОЛ

(Давоми. Бош 1-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИ 43-ЙИЛЛИК МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бу ҳақда гап кетганда, бизнинг назаримизда, АҚШ Президенти Б.Обама томонидан илгари сурилган АҚШ молия институтларининг операцияларини назорат қилиш ҳамда солиқ тўловчилар маблағлари ҳисобидан де-ривативлар билан амалга оширилган, фақат таваккалчиликка асосланган қелишувларни чеклаш бўйича махсус агентлик ташкил этиш тўғрисидаги таклиф эътибор ва қўллаб-қувватлашга сазовордир.

Уйлаيمانки, бу масалада узоқ вақтдан буён давом этаётган баҳс ва мунозаралар натижада барча томонлар учун мажбул бўлган оқилона ечим топилса, шубҳасиз, бу — инқироз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш борасидаги энг катта ютуқлардан бири бўлади.

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Жаҳон инқирозининг ҳар бир мамлакатга қай даражада таъсир кўрсатгани, аввало, ўша мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий моделга, молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нақадар барқарор ҳамда мустаҳкамлигига, уларда ҳимоя механизмларининг нечоғли кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳоҷат йўқ, деб уйлаيمان.

Шу муносабат билан биз иқтисодимизнинг дастлабки йилларида, яъни 1992 йилда қабул қилган ва беш тамойилга асосланган иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилишнинг «Ўзбек модели» ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Ушбу тамойилларнинг мазмун-моҳияти кўйилганлардан иборат:

Биринчиси — давлат тизимининг мафқурадан холи бўлиши ва иқтисодиётнинг сибсатдан устунигини таъминлаш.

Иккинчиси — режали-тақсимлаш тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши.

Учинчиси — қонун устуворлигини таъминлаш, яъни қонун барча учун баробар экани.

Тўртинчиси — ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш. Халқимиз таъбири билан айтганда, янги уйни қурмай туриб, эскисини бузаманг, деган ҳикматга амал қилиш.

Бешинчиси — бир тўзумдан бошқа тўзумга ўтиш даврида кучли ижтимоий сибсат юритиш.

Бугунги кунда ушбу модель ўтган давр мубайнида, шу жумладан, инқироз жараёнининг экстремал таъсири даврида ўзини тўлиқ оқлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Ўтган даврда банк-молия тизимида етарли ресурсларга эришган ва ишончли захира яратилгани, ҳар томонлама пухта ўйланган, вазмин иқтисодий сибсатнинг амалга оширилиши, иқтисодиётни спекулятив капитал, жаҳон молия ва фонд бозорларидаги бошқариб бўлмайдиган стихияли жараёнлар ва назоратсизлик таъсиридан ҳимоялаш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилгани, шу-

нингдек, иқтисодиётнинг макро-иқтисодий мувозанатлилиги катъий назорат қилиниши инқирознинг ҳалокатли таъсирини юмшатишда катта аҳамият касб этди.

Мамлакатимизда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида қабул қилингани, унинг мавжуд шарт-шароитга мувофиқлиги ва аниқ максатда йўналтирилгани инқирозга қарши туришда ва унинг салбий оқибатларини бартараф этишда муҳим роль ўйнади.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда банк секторига зарур ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда, биринчи навбатда, реал иқтисодиётнинг молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, солиқ юкни камайтириш, иқтисодиётнинг реал секторига, айниқса, экспортга йўналтирилган корхоналарга тегшли имтиёз ва преференциялар бериш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш ҳисобидан харажатларни камайтириш ва даромадни кўпайтириш бўйича амалга оширилган ишлар муҳим устувор йўналишларни ташкил этди.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор инқирозга қарши туриш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни таъминлашда хал қилувчи омил бўлди.

Ижтимоий соҳада, инфратузилма ва транспорт-коммуникация тармоқларида кенг қўламли лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижада янги иш ўринларини яратди ва аҳоли даромадларини оширишга доир вазифаларнинг ҳал этилиши Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда белгиланган мақсадларга эришишда муҳим ўрин тутди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар инқирозга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш вазифаларини билангина чеклаб қолмасдан, узоқ истиқболга мўлжалланган дастурий мақсадларни ҳам қамраб олганини таъкидлашни истардим.

Биз шуни яхши англаймизки, инқироздан кейинги даврда ҳозирданок туб таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга йўналтирилган узоқ муддатли инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқариш ва амалга оширатган мамлакатлар биринчи навбатда муваффақият қозонади.

Ўтган йили Ўзбекистонда 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури қабул

қилинди. Ушбу дастурга етакчи тармоқларни янгилаш, йирик транспорт ва коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш, янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва тежамкор технологияларни жорий қилишга қаратилган умумий қиймати 42,5 миллиард доллардан зиёд 300 дан ортиқ ўта муҳим инвестиция лойиҳалари киритилган.

Хорижий инвестицияларни жалб қилмасдан, бунинг учун зарур шароит ва преференцияларни таъминлашдан туриб олдимизга қўйилган вазифаларни ҳал этиш қийин бўлишини барчамиз яхши тушунамиз, албатта.

Шу билан бирга, инвестиция лойиҳаларини молиялашда ички ресурсларни сафарбар этишга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида ички манбалар улуши 68 фоизни ташкил этди. 2010 йилда эса бу кўрсаткич 70 фоиздан кам бўлмади.

Биз узоқ муддатли ва кенг қўламли лойиҳаларни амалга оширишда 2007 йилда ташкил қилинган, капитал маблағи бугунги кунда қарийб 5 миллиард доллардан иборат Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг салоҳияти ва имкониятларини янада мустаҳкамлашга катта аҳамият бермоқдамиз. Жамғарманнинг асосий вазифаси, биринчи навбатда, инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, хорижий шериклар билан бирга иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари объектларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этишдан иборат.

Масалан, 2009 йилда ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан Навоий шаҳридаги Иссиқлик электр станциясида қиймати 470 миллион долларлик замонавий буғ-газ қурилмасини барпо этиш ишлари бошланди. Бу ерда бугунги кунда Навоий аэропорти базасида эркин индустриал-иқтисодий зона ва халқаро мультимодаль логистика маркази ташкил этилмоқда.

Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва малакали кадрлар тайёрлашга катта аҳамият бериллаётгани ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимизда 1997 йилдан бери эски таълим тизимидан тўлиқ воз кечиб, 9 йиллик умумтаълим мактаблари ва уч йиллик касб-ҳунар коллежлари ҳамда лицейларни қамраб олган 12 йиллик бепул таълимни кўзда тутиадиган Давлат дастури ички амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда энг барпо этилган 1,5 миңдан ортиқ коллеж ва лицейларда 1 миллион

400 миң нафардан зиёд йигит-қиз ўрта техник ва гуманитар таълим олди. 2-3 мутахассисликка эга бўлди, хорижий тилларни, асосан инглиз тилини ўрганди.

Буларнинг барчаси, кейинги йилларда таълим учун сарфланган харажатлар мамлакатимиз Давлат бюджетининг 37 фоизидан ошганини, солиқни сақлаш тизимига йўналтирилган харажатлар билан бирга ҳисоблаганда, 50 фоиздан ортиқни ташкил этганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистон нақадар юксак малакали кадрлар ва инсон капитали салоҳиятига эга экани аққол намоеъ бўлади.

Юқорида айтилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, шуни мамнунлиқ билан таъкидлаш жоизки, қабул қилинган ривожланиш стратегияси ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши Ўзбекистонда, дунёнинг санокли давлатлари қатори, 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 8,1 фоиз, санаот ишлаб чиқаришининг 9 фоиз ўсишини таъминлаш имконини берди. Иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 26 фоиз, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,8 баравар ошди.

Мамлакатимизда ўтган йили 940 миңдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинди.

Маҳсулотлар экспорти 2,4 фоиз кўпайди, бу ташқи савдонинг ижобий салдоси сезиларли даражада ошиши ва мамлакатимиз олтин-валюта захирасининг барқарор ўсишини таъминлади.

Давлат бюджетининг барқарор профити таъминланди, ташқи қарз 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра, 10 фоиздан ошмади.

Нуфузли рейтинг компаниялари ва халқаро институтларнинг прогнози бўйича Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш 2010 йилда 8,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Қадрли дўстлар! Хурматли меҳмонлар!

Ўзбекистон Осий тараққиёт банки билан кенгайиб бораётган ҳамкорликни юксак қадрлайди, сўнгги йилларда биз учун ҳам кредит портфели ҳажми бўйича, ҳам Марказий Осийда минтақавий ҳамкорлик доирасида етакчи халқаро молия институтига айланган мазкур банкни муҳим стратегик шерик деб билади.

Ўтган давр мубайнида, яъни 1996 йилдан буён ажратилган 1 миллиард 200 миллион доллар кредит ресурслари ҳисобидан қиймати 520 миллион доллардан ортиқ 11 та лойиҳа амалга оширилди, умумий миқдори 650 миллион доллардан зиёд 15 та лойиҳани ўзлаштириш давом этмоқда.

Мазкур банк билан бизнинг

ҳамкорлигимиз бугун сезиларли равишда кенгайиб бораётгани ва янги босқичга кўтарилаётганини катта мамнунлиқ билан қай этакимиз. Йиллик мажлис доирасида умумий қиймати 1 миллиард 150 миллион доллардан ортиқ яна тўртта кредит шартномаси имзоланди, бошқача айтганда, Осий тараққиёт банки мамлакатимизда ўз кредит портфелини икки баравар оширди.

Мамлакатимиз билан Осий тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг асосини ташкил этувчи ўзаро ишонч ва олинган мажбуриятларга қатъий амал қилиш тамойиллари ҳамда ажратилаётган маблағларнинг Ўзбекистон томонидан мақсадли ўзлаштирилиши бундан буён ҳам таъминланади, дейиш учун бугун барча асосларга эгамиз.

Энди Осий тараққиёт банки билан ҳамкорлигимизнинг бизнинг назаримиздаги устувор йўналишларни ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Биринчидан, Осий тараққиёт банки Ўзбекистон учун ўта муҳим бўлган иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш дастурларини амалга оширишда бизнинг асосий ҳамкоримиз бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бу дастурлар экспорт таркибиде яқори технологик, юксак сифатли, рақобатбардор маҳсулотлар улушини оширишни ҳисобга олган ҳолда бой табиий ресурсларни, минерал, углеводород ва қишлоқ хўжалик хомашёларини чуқур қайта ишлашга йўналтирилган.

Бу ўринда гап Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари, жумладан, тоғ-кон, нефть-газ, кимё ва тўқимачилик саноатини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳаларини амалга ошириш ҳақида бормоқда.

Замонавий транспорт-коммуникация тизимини яратиш, шунингдек, Ўзбекистон миллий автомагистралли бунёд этиш, Навоий аэропорти базасида интер-модаль логистика марказини ривожлантириш, темир йўл тармоқларини кенгайтириш ва унинг ҳаракат таркибини тубдан янгилаш каби лойиҳаларни амалга ошириш мамлакатимизни модернизация қилиш стратегиясининг энг муҳим устувор йўналишларини ташкил этди.

Осий тараққиёт банки мазкур йиллик мажлис доирасида Ўзбекистон миллий автомагистраллини қуриш ва модернизация қилиш учун 600 миллион доллар миқдорда кредит ажратиш тўғрисидаги битимни имзоланиши юксак қадрлаймиз.

Иккинчидан, хусусий бизнес

ва иқтисодиётнинг нодавлат секторини қўллаб-қувватлаш ҳамда янада ривожлантириш.

Агар 1991 йилда иқтисодиётимизда нодавлат сектор улуши 3 фоизга ҳам етмаган бўлса, бугунги кунда ялпи ички маҳсулотда ушбу секторнинг ҳиссаси 80 фоиздан ортиқни, иқтисодиётнинг қатор етакчи тармоқлари — қишлоқ хўжалиги, қурилиш, телекоммуникация, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида эса хусусий мулк шакли қарийб 100 фоизни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, биз электрон энергетика, кимё, енгил саноат, озиқ-овқат, электротехника ва машинасозлик саноати, банк-молия хизматлари соҳаси ва иқтисодиётнинг бошқа етакчи тармоқларида хусусий сектор мавқеини янада ошириш ҳамда мустаҳкамлаш катта истиқболга эга, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг моддий базасини янада ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш.

Шуни назарда тутиш керакики, Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 фоиздан ортиғи суғориладиган майдонларда етиштирилади. Шу сабабли минтақда сув ресурслари тақчиллиги ортиб бораётган ҳозирги шароитда соҳага сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш хал қилувчи аҳамият касб этди.

Бундай шароитда биз шўрланган ерларнинг мелiorатив ҳолатини тубдан яхшилаш билан боғлиқ катта ҳажмидаги ишларни бажариши зарур ва бу жараёнда Осий тараққиёт банки билан ҳамкорлик истиқболли йўналишларга эга, деб биламиз.

Тўртинчидан, ижтимоий соҳани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларининг базасини замонавий талаблар асосида мустаҳкамлаш.

Мамлакатимизда яратилган мактаб, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим тизими салоҳиятини, аҳоли саломатлигини, оналик ва болаларни муҳофаза қилиш соҳасини қўллаб-қувватлаш, уларни энг замонавий ускуналар, компьютер ва ахборот-коммуникация техникаси, технологиялари билан жиҳозлаш, соғлиқни сақлашда ташхис қўйиш ҳамда даволашнинг мукамал ва илғор усулларини жорий этиш — булар, шубҳасиз, ҳамкорликнинг биз эхтиёж сезаётган муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Бешинчидан, Осий тараққиёт банкнинг мамлакатимиз банк-молия тизимини ривожлантиришда, жумладан, давлат молия институтларини ривожлантириш, тижорат банклари ва банкдан ташқари кредит институтлари

учун кредит линияларини тақдим этиш ҳамда Ўзбекистоннинг жадал ривожланиб бораётган хусусий банклари капиталини оширишда фаол иштирок этаётганини қадрлаймиз.

Ҳамкорликнинг ушбу соҳаси ҳам яхши истиқболга эга эканига ишончимиз комил.

Ўзбекистон Осий тараққиёт банкнинг Афғонистон иқтисодий тиклашга йўналтирилган лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Мисол учун, Сурхон-Ноибобод-Қобул йўналиши бўйича электр узатиш линиясининг барпо этилиши 2009 йилда Ўзбекистондан электр энергиясини етказиб бериш ҳажмини 6 баравар ошириш ва Қобул шаҳрига сутка давомида узлуқсиз электр энергияси узатишни таъминлаш имконини берди. 2010 йилда Афғонистоннинг бошқа худудларига ҳам электр энергияси етказиб бериш ҳамда бирга, биз электрон энергетика, кимё, енгил саноат, озиқ-овқат, электротехника ва машинасозлик саноати, банк-молия хизматлари соҳаси ва иқтисодиётнинг бошқа етакчи тармоқларида хусусий сектор мавқеини янада ошириш ҳамда мустаҳкамлаш катта истиқболга эга, деб ҳисоблаймиз.

Биз Хайратон-Мозори Шариф темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга оширишда Осий тараққиёт банкни қўллаб-қувватладик ва Афғонистонда темир йўл қатновини янада ривожлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу «трансфронтир йўналиши» қуриш лойиҳасини амалга ошириш, Марказий Осийдан Хинд океанининг яқин портларига юкларни энг қисқа темир йўл орқали транзит қилишни таъминлайди ва Афғонистон иқтисодий ривожлантиришга кўмаклашади.

Муҳтарам йиллик мажлис иштирокчилари ва меҳмонлари!

Осий тараққиёт банки, унинг Бошқарувчилар кенгаши ва жаҳон президент Курода жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мураккаб даврида юзага келган таҳдидларга ўз вақтида жавоб қайтаришни таъминлаган самаралар ва изчил фаолиятини намоеъ этди, инқироз оқибатларини юмшатиш учун янги воститалар ҳамда ностандарт ёндашувларни ишлаб чиқди ва амалга оширди.

Инқирознинг ҳалокатли таъсирига бошқа давлатларга нисбатан яхшироқ бардош берган, дунёнинг энг жадал ривожланаётган минтақаси бўлган Осий мамлакатлари бугун иқтисодий ривожланиш, мувозанатлашган иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида ҳам, минтақавий барқарорлик ва хавфсизлик соҳасида ҳам янги таҳдидлар олдида турибди. Ушбу масалаларни ҳал этиш халқаро ташкилотлар, молия институтлари ва ҳукуматлардан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришни тақозо этади.

Осий тараққиёт банки ва унинг президенти Хурхуко Куродага мазкур банк зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор изҳор этишга ҳамда йиллик мажлис иштирокчиларига муваффақият ва омад тилашга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Сизларнинг Ўзбекистонга ташрифингиз, сиз, анжуман иштирокчиларида ўчмас таассуротлар қолдириш ва сизларда меҳмондўст ва гўзал диверимизни яна бир келиб қўриш иштиқини уйғотиш, деб ишонамиз. Эътиборингиз учун ташаккур.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШГА ОИД БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ИСЛОХОТЛАР ЮКСАК САМАРАЛАР БЕРМОҚДА

ЎЗА мухбирлари Осий тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда бошланган 43-йиллик мажлиси иштирокчилари ва меҳмонларининг айримлари билан суҳбатда бўлди.



Сўз — анжуман иштирокчиларига

Ивк ШЕРПИ, Австралия ҳукумати гзачисси ўринбосари, сенатор:

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Ўртингиз тарихи ва маданиятига оид кўплаб китоблар ўқиган, мамлакатингиз ҳақида анчагина маълумотларга эга эдим. Аммо юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деганларидек, тасаввуримдаги билан ҳақиқий Тошкент ўртасида ушбу фарқ бор экан. Пойтахтингизнинг гўзаллигига ҳавасим келди.

Мамлакатингизда қисқа вақт ичида барча соҳаларда, жумладан, нефть-газ, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, таълим, сайёҳлик каби ҳабақларда амалга оширилган ўзгаришлар ва кўлга қирилган улкан устуқлар хайратланарли. Шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, юртингиз қиёфасини янада гўзаллаштириш борасида амалга оширилган беқиёс ишлар таҳсинга лойиқ.

Пойтахтингизнинг қўллаб-қувватлашга сазовор жойларда бўлдим. Айниқса, Темирйўл тарихи давлат музейидаги бой тарихингизни ҳаётий акс эттирган ранг-баранг экспонатлар, осори-атикалар менни лол қолдирди.

Бу Чинг УМ, Осий тараққиёт банкнинг Минтақавий ва барқарор ривожланиш департаменти бош директорининг

Уринбосари (Филиппин):

— Тошкентда Осий тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисидек нуфузли халқаро тадбирда қатнашишга мурасар бўлганимдан гоят мамнунман. Ушбу мажлисини ўтказиш учун катта тайёргарлик қўрилганга амин бўлдим. Ўзбекистон — Марказий Осий минтақасида ҳар томонлама жадал ривожланаётган етакчи мамлакат.

Нагао КАЗУЮКИ, Тошкент ислом университетининг Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси ўқитувчиси (Япония):

— Мен кўп йиллар мубайнида Осий тараққиёт банкда фаолият юритганман. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон билан ОТБ ўртасида жуда яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Осий тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисининг айнан юртингизда ўтказилиши ҳам бунинг аққол далилидир.

Ўзбекистондаги фаолиятим давомида юртингизда сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда изчил ва самарали ислохотлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўлмоқдаман. Мамлакатингизда жамиятнинг демократлаштириш йўлида босқичма-босқич олиб борилаётган, оқилона сибсатга асосланган янгилаштириш юксак са-

маралар бераётир.

Мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасида ҳам яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Талабаларга таълим бериш жараёнида шунга амин бўлдимки, Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти жуда юқори. Бу юртингизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самарасидир.

Мамлакатингизда халқ фаровонлигини янада юксалтириш йўлида қўллаб-қўриш ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, жамоат транспортидан фойдаланиш учун барча қўлайликлар мавжуд. Транспорт воситаларининг қўлайлиги ва замонавийлиги бунга ёрқин мисолдир. Шаҳсан мен Тошкент метросиндан фойдаланишни ёқтираман.

Шунингдек, коммунал хизмат, суусан, иссиқ ва совуқ сув ҳамда газ тизимидан фойдаланиш жуда арзон ва қўлай. Ўзбекистон, ҳақиқатдан ҳам, буюк давлат ва жуда гўзал мамлакатдир. Бунинг жуда чуқур ҳис этаман. Чунки юртингизда рўй бераётган буюк ўзгаришларни бу ерда яшайдиган кишилардан кўра хорижликлар яхшироқ сезадилар.

Жоэффри ШАФЕР, «Global bank» банкнинг вице-президенти (АҚШ):

— Дунёдаги энг нуфузли молия муассасаларидан бири бўлган Осий та-

раққиёт банки қўллаб мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўнлаб мамлакатлардан молия соҳасида фаолият юритувчи юзлаб эксперт ва олимлар, мутахассислар, банкирлар иштирок этаётган Осий тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисининг юксак савидада ташкил этилгани алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон ОТБ билан кўп йиллардан буён турли йўналишлар бўйича яқин ҳамкорлик қилиб келаётгани маълум. Мазкур мажлисининг мамлакатингизда ўтказилиши юртингиз билан ушбу йирик молиявий ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Жон КЕНН, «Microsoft» корпорациясин



ОТБнинг Тошкент анжумани: РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон ва ОТБ автомобиль ҳамда темир йўллар тармоғини кенгайтириш, хусусан, Марказий Осиё минтақаси транспорт йўлагининг бир қисми бўлган Ўзбекистон миллий автомагистрални ривожлантириш учун фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Қиймати 300 миллион долларлик «Сув таъминоти ва канализация соҳасида амалга оширилаётган йирик лойиҳалардан биридир. Илгари қабул қилинган ана шундай лойиҳани амалга ошириш доирасида Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг 170 аҳоли пунктида қуворлар ўтказилмоқда ҳамда мавжуд усуналар ҳолати яхшиланмоқда.

Ўзбекистоннинг ОТБ томонидан ажратилган маблағларни қайтариш бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажараётгани жаҳон молия бозорларида мамлакатимизга бўлган ишончни янада оширмоқда. Таъкидлаш жоизки, глобал инқироз шароитида кўплаб сармоядорлар нафақат айрим банклар, балки қатор мамлакатларнинг тўловга лаёқатсизлигига дуч келди. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг Осиё-Тинч океани минтақасида энг барқарор ҳисобланган банк-молия тизими юқори даражада ишончлилиги ҳақида аҳамият касб этади. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида ушбу тизимни мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган чора-тадбирлар кейинги икки йилда республикамиз тижорат банкларининг жами капиталини 2 бараварга кўпайтириш имконини бериб, ушбу банкларда капиталнинг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошди. Бу Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баравар кўпдир. Айни вақтда мамлакатимиз банк тизимининг жорий умумий ликвидлиги ташқи тўловлар бўйича банкларнинг жорий мажбуриятларидан 10 баравар ортқидир.

ОТБ форумининг очилиш маросимида банкнинг Осиё — Тинч океани минтақасидаги мамлакатларда узок муддатли иқтисодий ва ижтимоий дастурларни глобал ҳамкорлик доирасидаги барқарор ривожланиш йўлида кўплаб-қувватлаб келаётгани миллий иқтисодиётлар салоҳиятини ошириш билан бирга жаҳон миқёсидаги умумий тараққиётга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА)
олган суратлар.

Фикрлар хилма хиллиги, сиёсий плюрализм кучайиб борар экан, сиёсий партияларнинг матбуоти зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкланади. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида партиявий нашрларни партиялараро қизгин баҳс-мунозаралар минбарига айлантириш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, партияларнинг матбуот нашрлари олдидан катта ва масъулиятли вазибалар тургани, лекин, афсуски, бундай нашрлар хали-бери заиф бўлиб, содда қилиб айтганда, «тиш-тирноқсиз» бўлиб қолаётганини қайд этди. Мамлакатимиз раҳбари кўтарган масалалар, қўйган вазибалардан келиб чи-

Сиёсий партия матбуоти

унинг мазмун-моҳияти, қиёфаси қандай бўлиши керак?

қиб, партиялар нашрларида ўзгариш, изланишлар сезилмоқда. Партиялараро, фракциялараро баҳс, ўз сайловли дастурларидан келиб чиқиб, партияларнинг қонунлар лойиҳаларига муносабатларини акс эттирадиган мақолалар эълон қилинмоқда. Аммо улар бугунги кун талабларига жавоб берадиган даражада эмаслигини тан олмоғимиз лозим.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида ташкил этилган «Ўзбекистонда партиялар нашрларининг аҳоли ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги давра суҳбатидан бу ҳақиқат алоҳида таъкидланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар газеталарининг бош муҳаррирлари, ижодий ходимлари, бошқа ОАВ вакиллари, ФЖУИ экспертлари, ЎЗМУ ва ЎЗДЖТУ журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари мавзу юзасидан фикр алмашдилар.



лараро баҳс, ўз-ўзини танқид, бошланғич ташкилотлар, маҳаллий депутатлар фаолиятига оид кўплаб материаллар ёритилмоқда, аммо уларнинг таъсирчан-

лигини ошириш устида жиддий ўйлаб қуришимиз лозим.

Парламент Қонунчилик палатасида кечаётган баҳс-мунозара ҳам чуқур очиб берилмапти. Танқидий-тахлилий, парламент ва жамоатчилик назорати, электорат манфаатларини акс эттирадиган материаллар жуда кам.

ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

Иштирокчиликдан ташаббускорликка ўтиш зарур

дея таъкидланди ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё вилоят бўлимлари конференцияларида

Фарғонада ЎЗХДПга эътиқоди мустаҳкам ёшлар бир қанот остида биригди. Айниқса, уларнинг 2009 йилги фаолияти самарали бўлди. Минглаб ёшлар иштирокида форумлар уюштирилди. «Истиқбол» қошида «Болалар ва ёшлар учун бирлашнинг» лойиҳаси ташкил этилди. Вилоят ёш сиёсатчилари ижтимоий-сиёсий видеоролик тайёрладилар ва у маҳаллий телевидениялар орқали намойиш этилди. «Истиқбол» ёшлар қаноти конференциясида бу каби ютуқлар қаторида бой берилган имкониятлар, келгуси режалар ҳам атрафлига муҳокама қилинди.

— Биз сиёсий партиянинг ёшлар қанотимиз, — деди қанот раиси Сардор Абдуллаев. — Шунинг учун асосий ишимиз жойларда турли тадбир, учрашув, семинарлар ўтказишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Худудларда ёшлар ўртасида долзарб масалаларда мониторинг олиб бориб, шу асосда ҳаракат дастурини ишлаб чиқишимиз лозим. Ўқув-ўргатиларини таъминлаган ёшлар мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масалаларида жамоатчилик назорати ўрнатилган алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Биз кўп ҳолларда сиёсий жараёнлар, давлат ҳақида жамоат ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган турли тадбирларнинг иштирокчисига бўлиб

қолдик. Қачонки, унинг ташкилотчиси, ташаббускорига, партия дастурий ҳужжатларининг чин маънодаги тарғиботчисига айлансақ, мавқеимиз ошади, сафимиз кенгайди. Конференцияда кўплаб ёш фаоллар сўзга чиқиб, ўтган даврдаги фаолиятга танқидий баҳо бердилар. Олдинда турган асосий вазибалар ҳақида фикр юритилди.

ЎЗХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Акборот-ресурс марказида «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлимнинг конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда «Истиқбол» мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсатининг фаол иштирокчиси ва тарғиботчиси сифатида ўзини намойиш этиши кераклиги таъкидланди. Ҳозирги кунда ёшлар қаноти сафи фаол, зукко, ташаббускор ёшлар ҳисобига ўсаётганини ҳисобга олсақ, бу борада имкониятлар ҳам кенгайиб бораётгани аён бўлади. Эндиги вазибаларимиз мана шу имкониятдан, ёшлар салоҳиятидан ўринли фойдаланишдан иборат.

2009-2010 ўқув йилида вилоятда 32615 нафар йигит-қиз академиклици ва касб-хунар коллежларини ташкил қилди. Жойларда Бандликка қўмаклашувчи марказлари ҳамда тегишли ташкилот, қорхона ва муассасалар билан ҳамкорликда битирувчиларни ишга жойлаштириш ма-

саласида меҳнат ярмаркалари ўтказиш, ёшларни иш билан таъминлашнинг бошқа самарали муқобил усуллари ишлаб чиқиш муҳим вазибаларимиздандир, дея таъкидлашди йигит-қизлар.

Фаолиятимизда ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам борлиги айтилди. Ўтган даврда қанот фаолиятида изчиллик етишмади. Бунга асосий сабаб етакчилик сайланган ёшларнинг маъсулиятсизлиги бўлди. Натижада қанотнинг кўпгина бўлимларида сусткашлик сезилди. Ёшлар қаноти Қарши шаҳар, Китоб, Нишон, Муборак туман бўлимлари юқори натижаларга эришаётган бир пайтда Касби, Чирочқи, Шаҳрисабз, Қамаш туман бўлимлари етарли иш олиб бормаяпти. Шундай экан, партиянинг ёш фаоллари эндиликда ўз фаолиятини таҳлил қилиб, янада самарали ишлаши лозим бўлади.

Анжуманда Рамазиддин Мухаммадиев «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими раиси этиб сайланди. Сурхондарё вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти конференциясида қанотнинг ўтган икки йиллик фаолияти, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини бажаришдаги иштирокчини таъминлаш каби масалалар муҳокама этилди. Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизнинг мил-

лий ва умуминсоний кадрлар руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазибаларидан бири этиб белгиланган. Демак, «Истиқбол» ёшлар қанотининг асосий йўналиши ҳам аввало ана шундан келиб чиқади. Ёшлар муаммоларини ечишга қаратилган дастур ва тадбирларни амалга оширишда биринчи навбатда ёш фаоллар иштирокчини кучайтириш муҳимдир.

Вилоят, шаҳар, туман партия кенгашиларида «Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхонаси» фаолият юритади. Ўтган йил давомида ушбу маслаҳатхоналарга 300 дан ортқ мурожаат тушган. Уларнинг асосий қисми ижобий ҳал этилди, ёрдам кўрсатилди, маслаҳатлар берилди. Аммо, конференцияда эришилган ютуқлар қаторида йўл қўйилган камчиликлар ҳам таҳлил этилди. Ангор, Бандихон, Олтинсой, Шўрчи, Термиз туманларида «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолияти талаб даражасида эмаслиги, ташаббус кўрсатиш нари турсин, ҳатто режада белгиланган тадбирлар ҳам ўз вақтида бажарилмаётгани танқид қилинди. Ёшларда фаол фуқаролик қарашларни шакллантиришга йўналтирилган ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Бундай жойда бекфарқлик, лоқайдлик каби иллатлар кинди отади.

Конференцияда ёшлар қаноти фаолиятини такомиллаштириш юзасидан яна кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди, таклифлар айтилди. Улар асосида қанот фаолиятининг асосий йўналишлари белгилана олсинди. Конференцияларда «Истиқбол» ёшлар қанотининг республика конференциясига делегатлар сайланди. **Муҳаммаджон ОБИДОВ, Музаффар ТУРОПОВ, Абдумалик ҲАЙДАРОВ.**

тириш, партия нашрларида эълон қилинаётган материалларда сиёсий кучнинг дастурий мақсадларини кенгроқ акс эттиришнинг турли йўлларида фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилди. ФЖУИ экспертлари томонидан тайёрланган сиёсий партиялар нашрларининг шу йил дастлабки уч ойдаги сонлари мониторинги иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Газеталарнинг қиёфаси, дизайни, мақолаларнинг сарлавҳалари, масалага ёндашув ҳақида ҳам сўз юритилди. Сиёсий партия газетаси партиянинг дастурий мақсадлари, голларидан келиб чиқиб ўзининг ҳақиқий қиёфасига эга бўлиши зарурлиги таъкидланди. Саҳифалардаги нафақат ҳар бир сўз, балки ҳар бир элемент, ҳар бир ранг мақсадга қаратилиши матбуотнинг таъсирчанлигини таъминлаши қайд этилди.

Журналистлар билан олимлар, экспертлар, депутатларнинг ҳамкорлигини кучайтириш, фикр алмашув жараёнини доимий асосда йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бундай тадбирни доимий ўтказиб боришга келишиб олинди.

Бехзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини муқофотлаш тўғрисидаги» фармонида мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида уруш фахрийларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтмоқда.

Қадр

Уруш фахрийлари Эъзозда

— Уруш фахрийларига кўрсатилаётган эътибор мени беҳад қувватлади. — дейди 93 йшли Ибодулла Бобонозов. — Мамлакатимиз раҳбарининг бизларга қўрсатган бундай раҳм-раҳиمنى кучимга куч, ўшимга ёш қўши.

— Ҳозир 91 ёшдаман, — дейди нуқулсиқ нуруний Давлатбой Баймуродов. — Илоҳим биз кўрган қийинчиликларни, биз гувоҳ бўлган ўша машум йиллар азобини фарздандаримиз ҳеч қачон кўрмасин.

Фахрийларга муқофотларни Республика «Нуруний» жамғармаси раиси Жалел Муҳаммадиев, Шимолий-ғарбий ҳарбий округ бошлиғи Муроджон Гофуров, Республика Муҳофизат бошқармаси бошлиғи Роберт Махмудов, шунингдек, шаҳар ҳақда туман ҳокимлари топширмоқда.

Реймбой ҒИШИМБЕТОВ

Давлат харажатлари

Хорижда



янада қисқартирилади

Греция молиявий-иқтисодий инқирознинг энг оғир палласини бошидан кечираётган. Унинг ташқи қарзи 300 миллиард еврога тенглашиб қолди. Греция маъмурияти мамлакатни инқироз «ботқоқдан» тезроқ олиб чиқиш учун Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта жамғармасидан қўмақ сўраган. Улар мамлакат бюджетини қисқартириш шарти билан ёрдам кўрсатишга рози бўлишганли.

Шундай қилиб, мамлакат молия вазирининг баён қилишича, кейинги уч йилда бюджет харажатлари 30 миллиард еврога, яъни 11 фоизга қисқартирилади.



Бу уч йилгача давлат хизмати ходимларининг маошлари оширилмаслигини, муқофот пуллари берилмаслигини аниқлади. Бундан ташқари, дейилади «Financial Times» газетаси хабариди, давлат хизмати ходимларининг айримлари бу йил уч учинчи ва ўн тўртинчи маошлардан маҳрум қилинади. Шунингдек, жорий йилнинг ўзида ёнилғи, тамаки ва алкоголь ичимликлар сингари айрим маҳсулотларга солинадиган солиқ миқдори иккинчи марта оширилиши мўлжалланмоқда. Нафақа пулла-

ри эса 5 фоизга қисқартирилади. Ушбу тезкор иқтисодий ислохот пенсия таъминоти тизимини ҳам камраб олади. Жумладан, ўртача пенсия ёши аёллар ва эркеклар учун 67 ёш қилиб белгиланади (шу кунгача улар 53 ёшдан пенсияга чиқишарди). Пенсия миқдори ҳам анча чегирланади. Бу чора-тадбирлар эса аҳолининг, айниқса, давлат хизмати ходимларининг норозилигини кучайтирмоқда.

Греция уч йил давомида ташқи қарзлардан қутулиш ва инқироздан чиқиш учун Европа Иттифоқи ҳамда Халқаро валюта жамғармасидан умумий ҳисобда 120 миллиард евро миқдорига қўмақ олади.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани ҳокимлиги томонидан Чилонзор 21-май, 2-уй, 29-хонадонда ишонч Дилрабо Хожимуратовна Аҳроржонова номига берилган уй режаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Очлик эълон қилдилар

Албания парламентидаги муҳолиф Социалистик партия вакиллари ўтган йил 28 июнда бўлиб ўтган парламент сайловлари натижаларидан норози эканликларини билдириб (ордан 10 ой ўтганда), очлик эълон қилдилар.

Социалистик партиядан сайланган 22 нафар депутат ва партиянинг бошқа аъзолари таъкидлашча, сайлов натижаларининг ҳисоб-китоби қалбақлаштирилган. Ушбу сайлов бюллетенлари қайта ҳисоб-китоб қилинмагунча депутатлар очликни давом эттиришмоқчи.

«France Presse» АА хабарига қараганда, ўз навбатида бош вазир Сали Бариса етакчилигидаги ҳукмрон Демократик партия вакиллари (улар 140 ўринли парламентнинг 75 та мандатини қўлга киритган) муҳолифларнинг айбловини инкор этиб, бу ноқонуний талаб эканлигини таъкидлашмоқда.

Социалистик партия етакчиси, Албания пойтахти Тирана шаҳри мэри Эди Рама яқинда бир неча шаҳарда муҳолиф тарафдорларнинг норозилик акциясини уюштирди. Демократлар ҳам социалистларнинг бу акциясига қарши акция уюштирдилар. Бу икки «кўтб» тўқнашувининг олдини олиш учун эса бир неча юзлаб полициячи жонбозлик кўрсатишига тўғри келди.

Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси куйидаги иншоотни мукамал таъмирлаш объекти бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси маъмурий биносини мукамал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 135,794 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 113,162 млн. сўм. Буюртмачи томонидан белгиланган ишларни тугаллаш муддати — 2011 йил 1 июнь.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси.

Манзили: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 46-уй.

Тел/факс: (8-376) 223-41-50, 223-05-66.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасига ажратилган Давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар куйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдориди айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколат-

ларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳо-ланганда мамлакатимиз пудратчилари учун куйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифлари четдан ишлар (хизматлар) қилиниши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ

қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектурилиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, Тел/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўпала танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кун ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

9 май — Хотира ва кадрлар куни

Дўстлар дийдоридан ортиқ қувонч йўқ!..

Филология фанлари доктори, кўплаб монография ва илмий мақолалар муаллифи, узоқ йиллик касбдошим Гаффор Мўминовни эслаганимда, беихтиёр унинг 1958 йилда Тил ва адабиёт институтимизга эндигина ишга келган кунлари ёдимга тушади.

Унинг Ўзбекистон Миллий университети филология факультетини тугатгани, шу факультетда ишлаб аспирантурада билимини оширганини айтишди. Гаффоржон институтимиздаги барча тадбирларда фаол қатнашарди, фикрлари тиниқ эди. У табиатан софдил, муомаласи самимий бўлгани учун бошқа бўлимларда ишласак ҳам яқин касбдошларга айландик. Мени унинг илмий тахлилларни маромига етказиши, янгиликка чанқоқлиги ҳайрон қолдирарди. Газета-журналларда адабларимиз ижодига бағишланган тақрирлари ва илмий мақолалари тез-тез чиқиб турарди.

У ХХ аср бошидаги шoirлар аънаси ва адабиётимизга киритган янгиликларини чуқур ўрган-



ди. 1964 йилда шу мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлади. Кейин Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган иқтидорли шоир Султон Жўра ижодига бағишланган тадқиқотини бошлади. Бу хайрли ишни шараф билан удалади. Чунки у шоир ижодига оид мақолалар билан чекланиб қолмасдан, Султон Жўранинг

шеърларини тўплаб чоп эттирди.

Шундан кейин унинг кетма-кет бой фольклор меросимизга бағишланган мақолалари чиқди. Айни вақтда дўстлари билан Ойбек асарларини нашрга тайёрлашда фаол иштирок этди. 1985 йилда ҳамкасблари қаторида Ойбек асарларининг 20 жилдли академик нашрини тайёрлашда иштирок этгани учун унга Беруний номидаги Давлат мукофоти берилди. 1994 йилда у «Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Булар унинг илмий фаолиятдан бир шингил, холос.

Гаффоржонни яқиндан билишимнинг яна бир сабаби, унинг умр йўлдоши Тожинисо билан қисқа муддат мактабдош, синфдош бўлганми. Узоқ йиллар ёнимдаги инглиз тилини ўқитиш мактабда дарс берди, тез-тез учрашиб турар эдик. Гаффоржон ва Тожинисо фарзандлар кўришиди, уларга яхши таълим, яхши тарбия беришди. Фарзандларининг бир-

бирига меҳрибон бўлишига катта эътибор қаратишди...

2008 йил 27 март куни Тил ва адабиёт институтида ташкил қилинган Наврўз байрамида дўстлар билан учрашдик, суҳбатлашдик, меҳмон бўлдик. Юракдан айтилган табрикларга ҳис-ҳаяжон билан ўқилган шеърлар ва жозибали рақслар уланиб кетди. Мен эртарақ кетишим керак эди. Жойимдан турдим, стол атрофидаги дўстларга қарадим. Гаффоржоннинг кўриниши, кайфиятидаги сўниқликдан хавотирга тушдим, бироқ вақт ўтгач, хасталаниб қолганлигини эшитдим. 2008 йил 22 апрелда Гаффор Мўминов оламдан ўтди, деган нохуш хабар келди. Эртасига институтда бирга ишлаган аёллар билан уйига бориб, оиласига ҳамдардлик билдирдик. Дилимдан мумтоз шеърияда кўп эса олинадиган бир байт ўтди: «Дўстлар дийдоридан ортиқ қувонч йўқ, улардан айрилишдан ортиқ ғам йўқ».

Кўнглимда бир таскин, тасалли бор. Гаффоржоннинг фарзандлари, набиралари унинг номига муносиб турмуш кечиришяпти, ишларини давом эттиришяпти. Дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари у қолдирган бой илмий меросдан баҳраманд бўлиб, сабоқлар олиб, режалар тузишяпти.

Сўйима ҒАНИЕВА, профессор.

2010 йил — Баркамол авлод йили



Асқар ЁҚУБОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида спортнинг ҳарбий-амалий ва Олимпия турлари бўйича тўртинчи «Умумармия ўйинлари» бошланди. 7 майгача давом этадиган ушбу спорт байрамида жамоалар ҳарбий учкураш, офицерлар учкураши, кураш, кўпкураш, енгил атлетика, тош кўтариш, волейбол, сузис, стол тенниси ва бокс бўйича ўзаро куч синашади.



Мирзачўл тумани марказидаги маданият саройида бадий гимнастика тўрагаги фаолият кўрсата бошлади.


«Мирзачўл маликалари»

Машгулотлар ўтказиладиган шинам зал Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда ҳомийлар кўмаги билан жиҳозланди. Айни пайтда бу ерда 62 нафар киз биринчи тоифали мураббий Зарина Рейимбековадан гимнастика сирларини ўрганмоқда.

— Болалигимдан бадий гимнастика билан шугулланишга қизиқардим, — дейди 1-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Юлия Холматова. — Орзум рўёбга чиқди.

Шуниси қувонарлики, «Мирзачўл маликалари» тўрагаги машгулотларида қатнашиш истагини билдирётган кизлар сафи тобора ортиб бораёттир.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Донорул ЖУРАЕВА олган сурат.

СПОРТ СПОРТ

Шу йилнинг августида Сингапурда ўсмирлар ўртасида илк мартаба ёзи Олимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Айни кунларда мамлакатимиз вакиллари турли спорт турлари бўйича ана шу нуфузли мусобақага йўлланма берувчи бир қатор саралаш баҳсларида иштирок этишяпти. Жумладан, Боку (Озарбойжон)да Сингапур олимпиадасига йўлланма берувчи бокс бўйича ўсмирлар ўртасида навбатдаги жаҳон биринчилиги ташкил этилди.



Дунёнинг юздан зиёда давлати вакиллари қатнашаётган мазкур мусобақада Марат Курбанов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси юртимиз шарафини ҳимоя қилишяпти. Ҳамюртларимиз унда ўн вазн

Йўлланмалар Сони кўпаймоқда

тоифасида қатнашди.

Ўзбекистон ҳаваскор бокс федерацияси бош қотиби Олим Маҳмудовнинг билдиришича, вакилларимиздан уч нафари ярим финалгача етиб келишган. Унда ўз вазн тоифасида Зоҳид Ҳурбоев (48 кг) рақибга имкониятни бой бериб, бронза медали билан қифояланди. Аҳмад Мамажонов (69 кг) ҳамда Сардор Беғалиев (81 кг) эса финалга йўлланма олдилар. Энди ҳал қилувчи баҳсларда Аҳмад Мамажонов бразилиялик, Сардор Беғалиев эса кубалик «чарм қўлқоп» усталарига қарши рингга кўтарилишади.

Эътиборлиси, мусобақа низомига мувофиқ учала ёш боксчимиз ҳам Сингапур олимпиадасига йўлланмаларни кўлга киритиб бўлиши. (Ўз мухбиримиз.)

Тошкент гиламларида

курашчиларимиз Сингапур олимпиадасининг тўртта йўлланмасини кўлга киритишди

налида Нурбек Ҳаққулов (50 кг) қирғизистонлик Шодибек Сулаймоновни, Руслан Комилов (85 кг) Жанубий Корея спортчиси Жун Кхён Чойни




Руслан КОМИЛОВ

енгиб, олтин медаль билан тақдирланди. Яна бир курашчимиз Баҳром Муродов (69 кг) шохсупанинг учинчи поғонасини банд этди.

— Тошкент турнирида эркин кураш бўйича бешта вазн тоифасида йўлланма тақдири ҳал бўлди, — дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Александр Недорезов. — Аммо шогирдларимиздан фақат Дибёрбек Эргашев (76 кг) ўз вазн тоифасида ана

шундай имкониятни кўлга киритди. У финалда эронлик Шахин Заифтандан устун келди. Яна бир курашчимиз Муслимбек Абдурашидов (46 кг) ҳал қилувчи баҳсда Меҳрин Шайфи (Эрондан енгилди ва кумуш медалга сазовор бўлди.



Дибёрбек ЭРГАШЕВ

Мутахассисларимиз аёллар кураши бўйича Нилуфар Гадоева (52 кг) ҳамда Шохиста Тошпўлатова (60 кг)га ишонч билдиришганди. Гарчи, мусобақада ҳамюртларимиз қўлибикни кўлга кирита олмаган бўлса-да, совриндорлар қаторидан ўрин эгаллади. Нукус аёллар ку-

раш мактаби тарбияланувчиси Нилуфар Гадоева финалда хитойлик Юан Юанга ютқазиб, шохсупанинг иккинчи поғонасидан жой олишига қарамай, Сингапурда ўсмирлар ўртасида бўладиган I ёзи Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Шундай қилиб, Тошкент гиламларида ўтказилган нуфузли халқаро турнирда вакилларимиз Сингапур олимпиадасига жами тўртта йўлланмани нақд қилишди.

Эркин ХОЛБЕБО



Нилуфар ГАДОЕВА

Абдуси ХоҲИДАРОВ,
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар.

Огоҳлик

«Биз — соғлом турмуш тарафдоримиз»



шиори остида Денов туманида ёшлар форуми бўлиб ўтди

Бугунги кунда ёшларимизни турли ёт гоёлар, иллатлардан асраш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Шу боис, мамлакатимизда ёш авлодини миллий гоёга садоқат, ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, диний ақидапарастлик, одам савдосига қарши курашиш юзасидан турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Денов тумани ҳокимлиги, миллий хавфсизлик хизмати, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, прокуратура, ички ишлар ва бошқа қатор ташки-

лотлар ҳамкорлигида шундай тадбирлардан бири Денов Марказий ўйингоҳида ўтказилди. Унда 5 минг нафардан ортиқ ёш иштирок этди. Тадбир давомида ёш спортчилар, ҳарбийлар, шунингдек, санъаткорлар ижросидаги ранг-баранг чиқишларга кенг ўрин берилди. Ёшларнинг яқдиллиги, ўзаро ҳам-жихатлиги асосида ўтган форум иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Нурбек ҲАҚҚУЛОВ

Юнон-рум кураши бўйича Олим Курбанов мураббийлигида Ватанимиз шаънини беш нафар полвон ҳимоя қилди. Қувонарлиси, улардан уч нафари голиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Жумладан, турнир фи-

BOSH MUHARRIR:	Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:	Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) G'afur HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihidin MUHIDDINOV Andrey KUSTOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:	O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:	Partiya hayoti 233-10-13 Madaniyat va sport 233-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55 Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56 Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80 Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
VILOYAT MUXBIRLARI:	Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 223-06-02 Gulistonda — 25-46-45 Jizzaxda — 227-48-35 Navoiyda — 223-83-73 Namanganda — 226-43-81 Nukusda — 222-77-21 Samarqandda — 35-02-55 Urganchda — 517-30-58 Farg'onada — 224-18-78 Denovda — 8-37641-23-780
MANZILIMIZ:	100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi:	Alisher RO'ZIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
«Shara» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.	Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.	Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta sahifasida, pashshaba va shanba kunlari chiqadi.	«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
13594 nusxada bosildi	1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633	O'za yakuni — 23.35 Topshirilgan vaqt — 01.15 1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda	